


Ибн Манзур ва унинг машҳур «Лисанул араб» асари



15:05 / 07.11.2020 1904

Араб тилига қизиқиб, чуқур ўрганишга бошлаган илм толиблари ичида Ибн Манзурнинг «Лисанул араб» (Умумий билмайдигани бўлмаса керак.

Жамолиддин Абул Фазл Муҳаммад ибн Мукрим ал Ансорий ар-Руайфий, кўпроқ Ибн Манзур номи билан танилган олим дунёга айнан шу асари ила машҳур бўлгандир.

Асар муаллифи Ибн Манзур – таниқли Ислом олими, филолог, тарихчи, фақиҳ ва араб тилининг билимдони ва 20 томдан иборат «Лисанул араб»- «Араб тили» изоҳли луғатининг муаллифидир. Олимнинг ёзган асарларини умумий ҳажми 500 мужалладдан ортади.



Ибн Манзур ушбу асарини таълиф қилиш сабабини қуйидагича изоҳлаган экан: **«Мен ушбу луғат китобини тузишда Пайғамбар тилининг негизини сақлашдан бошқа нарсани мақсад қилмадим. Чунки араб тили Қуръони карим ахкомлари ва набавий суннатни ўзагини ўзида жам қилгандир. Китобни ёзаётган пайтимда мазкур тил эгалари бошқа тилни ўрганиш билан фахрланишар эди. Мени бу ишни амалга оширишим, худди қавми масхара қилишига қарамасдан, Нух алайҳиссаломнинг кема ясаганига ўхшаш ҳолат эди».**



«Лисанул араб» изоҳли луғати ҳақида жумладан, Заркалий шундай дейдилар: **«Ҳеч бир мулоҳазасиз, ушбу асар араб тилининг энг машҳур изоҳли луғатларидан, дея эътибор қилинади. Ўзида луғат борасидаги она китобларни жамлаган. Ҳажми улкан, кўплаб нодир маълумотларни яъни, Қуръони карим, ҳадиси набавий ҳамда араб мумтоз шеъриятдан кўплаб мисоллар келтирилган асардир».**

Ибн Манзур Қоҳирада таваллуд топган. Лекин, Тараблус ёки Ҳафса шаҳрида туғилган деган фикрлар ҳам бор. У зот Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Собит ал-Ансорийнинг авлодидан ҳисобланади. Ибн Манзур Абдурахмон Туфайл, Муртазо ибн Хотим каби олимлардан дарс олганлар. Қоҳирада котибиятда ҳам ишлаган, Тараблус

(Ливия) шаҳрининг бош қозиси ҳам бўлиб хизмат қилган.



Ибн Ҳожар Асқалоний у киши ҳақида: **«Йирик-йирик баёнларни кичик ҳажмдаги мўъжаз шакллари тартиблаб, тузиб чиқиш борасида ўзига хос иқтидори билан ажралиб турарди»** деганлар.

Шак-шубҳасиз, Ибн Манзурнинг энг машҳур асари бу, 20 томлик «Лисанул араб» - Араб тили» изоҳли луғатидир. Ушбу луғат ўзидан аввалги 5 та луғат китобларини жамлаган бўлиб, улар: Ибн Сидонинг **«Ал-Мухкам»**, Ал-Жавҳарийнинг **«Ас-Сиҳоҳ»**, Ибн Борийнинг **«Ҳошия ас Сиҳоҳ»** ва Ибн Асирнинг **«ан-Ниҳоя»** асарларидир.

Олим кексалик ёшига етиб, Қоҳирага қайтиб келиб истиқомат қилган, вафотидан бироз олдин кўзлари ожиз бўлиб қолган. Ҳижрий 711 йилнинг шаъбон ойида, милодий 1311 йилда вафот қилган.

«Лисанул араб» қайта ва қайта нашр қилинган асар бўлиб, ҳозирга қадар энг талабгир, араб тили бўйича энг кўп мурожаат қилинадиган китоблардан биридир.

Бобур Аҳмад.